



ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАЎКАМЛАШГА ИНТИЛИШ ҚАТЪИЙ ЭКАНИ ТАСДИҚЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 19 ноябрь куни ташриф билан Россияда бўлди.

Олий даражадаги музокаралар Кремлда ўтказилди.

Владимир Путин учрашув аввалида давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан яна бир бор табриклади ва келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилади.

— Ўзбекистон нафақат энг яқин қўшнимиз, балки иттифоқдошимиздир. Биз Ўзбекистонни айнан шундай қабул қиламиз, — деди Россия Президенти. — Бу йirik минтақавий давлат бўлиб, бизларни тарих нуқтаи назаридан ҳам, бугунги кунда ҳам қўллаб-қувватлаётган муносабатлар билан ҳам бир бор тасдиқланди.

Бугун Ўзбекистон товар айирбошлаш ҳажмининг 18 фоизи Россияга тўғри келмоқда. Товар айирбошлаш кўпаймоқда: пандемияга қарамай, ўтган йили 15 фоиздан кўпроққа ошган. Бу кўрсаткич ҳатто мураккаб даврда ҳам ҳамкорлик қилаётганимизни, ҳамкорлигимиз муваффақиятли кечаётганини аниқ-равшан кўрсатиб турибди. Биргаликдаги ишларимиз минтақавий форматда, давлатлараро шаклда барча йўналишларда давом этмоқда. Иқтисодиёт, гуманитар алоқалар, транспорт инфратузилмаси шулар жумласидан. Бу борада биргаликда ишлашимиз учун катта майдон мавжуд,

иккимиз муҳокама қилиб олишимиз лозим бўлган масалалар жуда кўп.

Давлатимиз раҳбари Россия Президентига таклиф ва илқ қабул учун миннатдорлик билдирди.

— Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, кейинги йилларда муносабатларимизда чинакам улкан ютуқларга эришилди — бундай кўрсаткичлар илгари бўлмаган. Сиз айтганингиздек, товар айирбошлаш ортмоқда: тўққиз ой якунида беш миллиардни ташкил этди, йил охирида етти миллиард бўлади. Муносабатларимизда бундай рақам илгари

кузатилмаган. Бош вазирлар раҳбарлигидаги Ҳукуматлараро комиссия жуда жиддий ишламоқда — Сиз қўллаб-қувватладингиз ва яхши натижаларга эришилмоқда. Ташрифдан аввал жуда салмоқли ишлар қилинди. Учта катта тадбир: ҳудудлар, таълим ва медиа форумлари ўтказилди. Натижаларга келсак, бугун 14 миллиард долларлик лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, ҳудудлараро форум доирасида. Уч йил аввал Сиз билан ушбу форумни бошлаётганимизда бундай тадбирлар йўқ эди. Натижа эса катта: ҳудудлар учрашмоқда, ҳамкорлигимизга катта туртки бермоқда. Бугунги учрашувимиз ҳудудлараро алоқалар, икки томонлама ҳамкорлик, хавфсизлик масалалари, Афғонистон масаласини муҳокама қилиш учун яхши имкониятдир, — деди Президентимиз.

Умуман, Президентлар икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган муносабатлар юксак даражага кўтарилганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Музокараларда савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда ушбу соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Бош вазирлар даражасидаги қўшма комиссия ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари мунтазам ўтказилмоқда. Ҳудудлар ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Биргина жорий йилда юқори даражадаги 50 та ўзаро ташриф ташкиллаштирилди.

2020 йилда ўзаро савдо ҳажми 5,6 миллиард доллардан ошган бўлса, жорий йилнинг 10 ойида ушбу кўрсаткич 6 миллиард долларга етиб, йил якунига қадар 7 миллиард долларга яқинлашиши кутилмоқда.

Кейинги тўрт йилда Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокидаги корхоналар сони икки баробар кўпайиб, қарийб 3 мингтаи ташкил этмоқда.

Бугун юртимиз иқтисодиётида Россиядан жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошди ва жадал ўсишда давом этмоқда. Умумий қиймати 14 миллиард долларлик истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Президентлар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларини қамраб олган ҳолда инвестициявий ҳамкорликни давом эттириши муҳимлигини таъкидладилар.

Бунда Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи арафасида ўтказилган II Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми натижалари ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, форум якунида саноат, энергетика, транспорт ва фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида доир янги битим ва шартномалар имзоланди.

Шавкат Мирзиёев иқтисодиёт тармоқларида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун катта захиралар борлигини қайд этди. Шу муносабат билан устувор соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратдилар.

Жорий йил май ойида Бухорода Ректорлар анжумани, 16-17 ноябрь кунлари эса Москвада иккинчи Таълим форуми ўтказилгани таъкидланди. Форум якунида шериклининг янги йўналишларига доир 35 дан ортиқ битим имзоланди.

Айни вақтда Россия олий таълим муассасаларининг энг кўп хорижий филиаллари Ўзбекистонда фаолият юритмоқда. Юртимизда уларнинг сони 15 тани ташкил этмоқда, шундан 12 таси кейинги тўрт йилда очилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Россиялик ҳамкорлар кўмағида Ўзбекистонда “Спутник V” вакцинасини ишлаб чиқариш ташкил этилди. Тошкентда Пирогов номидаги Россия миллий-тадқиқот тиббиёт университети филиалини очиш ишлари якунига етди.

Президентлар томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларга тўхталиб ўтдилар.

Мамлакатларимиз ташқи сиёсат ва муҳофаа идоралари ўртасидаги икки томонлама маслаҳатлашувлари давом эттириш муҳим экани таъкидланди. Минтақавий хавфсизлик масалалари ва Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Россия томони Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик жараёнига кўмаклашиш борасидаги муҳим саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Давлат раҳбарлари БМТ, МДҲ, ШҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини билдирдилар.

Самимий ва дўстона муҳитда ўтган суҳбат якунида томонлар Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Музокаралар якунида Президентлар Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилдилар. Ташриф доирасида жами 18 та икки томонлама ҳужжат имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига ташрифи якунланди.

ЎЗА

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида юртимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор халқимизнинг оғирини енгил қилиш, “давлат - фуқаро” муносабатларида шаффофликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.

ПРОФЕССИОНАЛ ВА ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ОМИЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва янада янги босқичга кўтариш борасида муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида “инсон — жамият — давлат” деган янги тамойил асосида фаолият олиб борилиши, бунда тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида олдимизда турган устувор вазифалар белгилаб берилди.

▶ Давоми 4-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Хорижий экспертлар: “Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида мунтазам фикр алмашиш минтақа барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга”



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга ташрифи ва Президент Владимир Путин билан музокаралари халқаро экспертлар ва ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари-нинг диққат марказида бўлиб турибди.

Андреа ЖАННОТТИ, Италия Евроосиё тадқиқотлари институти ижрочи директори ва вице-президенти, Пиза университети ва Москва давлат халқаро муносабатлар институти профессори (Россия):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путин учрашуви икки мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатларини ифода этувчи ғоят муҳим воқеадир.

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАЎКАМЛАШ — ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

Бугунги кунда юртимизда кечаётган ислохотларнинг туб негизидан инсон турмуш тарзини яхшилаш ва ҳаётий манфаатларига хизмат қилиш вазифаси турибди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантаналари сўзсиз бажариш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятининг бош мезони бўлиб қолиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, инсон қадри деганда, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, шу билан бирга, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма яратилиши назарда тутилди.

Бу жиҳатлар Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларида ҳам ўз ифодасини топган. Унинг доирасида режалаштирилаётган ислохотлар, инсон ҳаётини яхшилаш ва кенг қўламли бунёдкорлик ишларини амалга оширишда энергия ресурсларининг аҳамияти катта. Шу боис, аҳоли ҳонадонлари, ижтимоий соҳа объектларини электр

“ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ — ИСТЕЪМОЛЧИ” ТЕХНОЛОГИК ЗАНЖИРИ

Ёқилғи-энергия ресурсларига бўлган эҳтиёж ва нарх конъюнктураси дунё миқёсида кескин ўзгариши кузатилаётган бир пайтда улардан оқилона фойдаланишни

назорат қилиш долзарб вазифага айланган. Бунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган тизимларни жорий этиш орқали **тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш талаб этилмоқда.**

Айнан шу масалага давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, биринчи навбатда, **электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш вазифаси қўйилган эди.**

Тахлилларга кўра, ушбу тизимлар ишга туширилишига қадар аҳоли томонидан фойдаланилган электр энергияси учун тушумларини йиғиш даражаси 80 фоиздан ошмаган, табиий газ бўйича 50 фоизни ташкил этган.

Чунки тармоқда ахборот-коммуникация технологиялари ва шаффоф механизмлар асосида тўловларни йўлга қўйишга қаратилган лойиҳалар йиллар давомида тизимли амалга оширилмаган. Шу боис, таъминотчи корхоналар ресурслар истеъмолини тўлиқ назорат қила олмаган.

▶ Давоми 3-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Хорижий экспертлар:

“Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида мунтазам фикр алмашиш минтақа барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга”

Бошланиши 1-бетда

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарлари турли мавзуларни, жумладан, савдо, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалалари, халқаро ва минтақавий вазият, жумладан, Афғонистондаги воқеалар ривожини муҳокама қилдилар.

Жўрғосий жойлашуви ва геосиёсий аҳамияти нуктаи назаридан, мен Ўзбекистон афғон муаммосига ечим топишда ўта муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблайман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташири арасида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги тадбирларнинг жуда бой дастури амалга оширилди. Хусусан, Худудлараро ҳамкорлик форуми, Россия — Ўзбекистон таълим форуми (унда Ўзбекистонда Россия университетларининг 9 та янги филиали очилиши эълон қилинди) ва Россия — Ўзбекистон медиа-форуми бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси томонларнинг ўзаро ҳамкорлиқни фаоллаштириш ва мустақамлашга қизиқиши юқорилигидан далолат беради.

Хиронори ФУШИТА,

Япония халқаро муносабатлар институти катта таҳлилчиси:



— Ўзбекистон Президентининг Россияга ташири ва Президент Владимир Путин билан музокараларни олқишлайман.

Ҳозирги кунда Марказий Осиёда ҳавфсизликка таҳдид ва хатарлар мавжуд, шу жумладан, Афғонистонда нотинч вазият кузатишмоқда. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари халқаро терроризм ва диний экстремизм каби таҳдидларга қарши биргаликда курашиш масалалари юзасидан мунтазам фикр алмашаётгани минтақа барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Россия ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадаллашди, шунингдек, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошди. 2020 йил якунларига қўра, давлатлараро савдо ҳажми 6 миллиард долларга етди. Мамлакатлар ўртасида савдо-инвестиция соҳасида, жумладан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасидаги муваффақиятли ҳамкорлик Япония ишбилармон доиралари вакилларининг Ўзбекистонда фаол бизнес юритишига ҳам туртки беради.

“Дунё” АА



8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ҲАЁТГА КЎЧГАН ЭЗГУ ТАМОЙИЛЛАР

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер тенглик
масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари

Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган Конституциямиз қабул қилинганига яқинда 29 йил ўтлади. Ўтган йиллар мобайнида Бош қонунимиз асосида демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, барча соҳаларни ривожлантириш борасида тўб ислохотлар амалга оширилди.



Конституциямиз кўп миллатли мамлакатимизда жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, фуқаролар тенглиги қафолати бўлмоқда. Айнан Конституциямиз шарофати билан ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг деярли барча соҳаларида қонунчилик базаси яратилди, улар йилдан-йилга такомиллига етказилмоқда.

Бош қонунимизнинг қоида ва тамойиллари, айниқса, кейинги беш йилда мавжуд қонунчилик базасини такомиллига етказишда жуда асқатмоқда. Хусусан, Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда бошланган кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотларнинг қонуний асослари ҳам унда ифодаланган тамойиллардан олингани ва аниқ натижалар берганига гувоҳимиз.

Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилган Ҳаракатлар стратегияси Конституциямизда белгиланган инсон эрки ва ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, инсон салоҳиятини жамият ривожига йўналтиришдек муҳим тамойилларни тўла рўёбга чиқариш, халқимиз муносиб турмуш кечириши учун қулай шaroитлар яратишда муҳим дастуриламал ҳужжат бўлди. Ўтган даврда Ҳаракатлар стратегиясини рўёбга чиқариш учун 311 та қонун қабул қилинди, шундан 80 таси мутлақо янги қонундир.

Конституциямизда ўз ифодасини топган адолат принципини амалда таъминлаш бўйича ўтган йилларда кўп гапирилган. Бироқ, тан олиш

керакки, гап-гаплигича қолган эди. Ҳозир-чи? Уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ўрганишни олаимизми, камбағаллиқни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилаётганини олаимизми, адолат амалда қарор топаётганига аққол гувоҳ бўлмоқдамиз.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қафоллатлари кучайтирилиб, мажбурий меҳнатга, жумладан, болалар меҳнатига бутунлай барҳам берилди. Юртимизда таълим ва тарбия умуммиллий масалага айланди. Жойларда секторлар тизими жорий қилиниши давлат органларини аҳоли билан янада яқинлаштириш, халқ билан изчил мулоқотни йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда. Жамиятда камбағаллик ва ишсизликка барҳам беришни кўзда тутувчи, аҳолининг энг қийналган, шароити оғир қатламни қамраб олувчи “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” юритилмоқда.

Одамларни энг кўп ташвишга солаётган уй-жой масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Сўнгги йилларда юртимизда ипотека дастурилари доирасида 140 мингдан ортиқ хонадонли уй-жойлар барпо этилди. Бу ундан олдинги йилларга қараганда 10 баробардан ҳам кўп. Натижада узоқ йиллар бошпанасиз бўлган юзлаб, минглаб оила шахсий уй-жойига эга бўлди.

“

Одамларни энг кўп ташвишга солаётган уй-жой масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Сўнгги йилларда юртимизда ипотека дастурилари доирасида 140 мингдан ортиқ хонадонли уй-жойлар барпо этилди. Бу ундан олдинги йилларга қараганда 10 баробардан ҳам кўп. Натижада узоқ йиллар бошпанасиз бўлган юзлаб, минглаб оила шахсий уй-жойига эга бўлди.



“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурилари доирасида мамлакатимизнинг кўплаб қишлоқ, маҳалла ва овулларида ҳаёт тубдан ўзгарди. Худудларни комплекс ривожлантириш мақсадида жойларда йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилиб, уй-жойлар таъмирланди, ичимлик сув ва электр энергияси тармоқлари янгиланди.

Сўнгги йилларда Сенат фаолияти ҳам тубдан такомиллашди. Илгари бир йилда атиги тўрт марта (ҳар чоракда бир марта) ялпи мажлис ўтказилган бўлса, охириги икки йилда 21 маротаба ялпи йиғилиш ўтказилиб, мамлакатимиз ҳаётидаги долзарб ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Шунингдек, давлат ва жамият қурилишида парламентнинг урни кучайиб бормоқда.

Президентимиз илгари сурган “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” қақирғи фаолиятимизни янги босқичга кўтармоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш “**инсон — жамият — давлат**” деган янги тамойил асосида ташкил этилиши муносабати билан етита устувор вазифа белгилаб берилган мамлакатимизда мутлақо янги шарт-шaroитлар юзага келганидан далолат беради.

давом эттирилиши кўзда тутилмоқда. “**Инсон қадр**и учун” деган устувор тамойил фаолиятимизнинг бош мезонига айланиши замирида инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ислоҳий саъй-ҳаракатлар изчил давом этишига қатъий ишонч турибди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда конституциявий ислохотлар билан боглиқ муҳим ташаббусларни илгари сурди: “Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб қурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўраимиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда, бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам қўриб чиқишимиз керак”.

Бу вазифа ижроси барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Зеро, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш устувор мақсад этиб белгиланган ислохотларда фаол бўлиш муқаддас бурчимизга айланмоғи лозим.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ ЭНГ КЎРКАМ МАСКАНГА АЙЛАНАДИ

Пискент туманининг “Ғайрат” маҳалласи ҳудудида қурилаётган кўп қаватли уйлари кўздан кечиар эканмиз, лойиҳаси яқингача фақат қоғозда турган уй-жойлар бутун ростмана қад ростлаётганини қўриб, талабалик даврларимиз ёдимга тушди. Ўша вақтларда энг катта муаммолардан бири ижарага уй топиш бўлиб, бу азовни жуда кўплар бошидан кечирган.

Ижара уй топишнинг ўзи бир муаммо бўлса, хонадон эгасининг таънаю маломатлари, тергашларига чидашнинг ўзи яна бир азов эди. Шундай пайтларда, қанийди, кичкинагина бўлса ҳам ўз бошпанамиз бўлса, чарчаб келганда тинчгина ҳордик олсак, истаган вақтимизда чироқ ёқиб, истаган вақтимизда овқат пиширсак, деб орзу қилардик. Дунёда ўз уйинг, дахлсиз қўргонинг бўлишидан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Давлатимиз томонидан аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган оқилона сиёсат тўғриси, кечагина ўз уй-жойи бўлишини орзу қилиб юрганлар бугун шинам квартиралар эгасига айланганларини қўриб, қувонаман. Одамлар уйли бўлса, қўнгли хотиржам, ишида унум бўлади. Айниқса, аҳоли сони, янги оилалар кўпайгани сари уй-жойга талаб ҳам ортиб бораверади.

Жорий йилнинг 2 ноябрь куни Президентимиз раислигида аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу масала яна бир бор кун тартибига қўйилгани бежиз эмас. Унда ҳар йили мамлакатимизда 300 000 дан ортиқ нилоҳ қайд этилаётганини ҳисобга олиб, яна 5 йилдан кейин аҳолимиз сони 38 миллионга етиши кутилаётгани, қурилаётган уйлар қўламини шунга мувофиқ кенгайтиришга катта эътибор қаратилиши зарурлиги айтилди. Шаҳар ва туманларда “Янги Ўзбекистон” бош лойиҳасига асосан марказлардан четдаги жойларга янги ҳаёт бериб, кўп қаватли уй-жой массивлари қуриш мақсадида мувофиқлиги таъкидланиб, ушбу йўналиш бўйича аниқ тавсиялар берилди. Яқин

вақт мобайнида мамлакатимизда 250 минг оила уй-жой билан таъминланиши керак. Давлатимиз раҳбари бу борада “Бағдод” тажрибасини мисол келтирар экан, бошқа жойларда ҳам шундай массивлар барпо этиш бўйича кўрсатма берди.

Пискент туманида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” турар жой массиви ушбу улкан ташаббус маҳсулидир. Бу мажмуа “Янги Ўзбекистон” бош лойиҳасида белгиланган барча талабларга мос келади. 19 гектар майдонда қад ростлаётган 70 та 5 ва 7 қаватли уйлар қарийб 2000 та оилани уй-жой билан таъминлаш имконини беради. Демак, мақсадлар муштараклиги тўғри йўлда эканимизни кўрсатиб турибди.

Уйлари кўздан кечиар эканмиз, қурилиш масъулларидан бири: “Иш бироз секин сил-жилапти, бунинг ҳам ўзига хос сабаби бор, назорат ташкилотлари деярли ҳар кун келиб, қурилишда фойдаланилаётган оқидий тўпурқдан тортиб, гишту цементимизгача, барча қурилиш материалларимизни текшириб қўради ва ҳар бир текшириш ҳулосаси, лаборатория натижалари чиқмагунча қурилишни давом эттиришимизга рухсат берилмайди”, деди. Бу гапни эшитиб, мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, бехатар яшаши давлатимиз зиммасида экани, юртимизда инсон омили энг олий қадрият сифатида белгилаб қўйилганининг яна бир исботини кўргандек бўлди.

Ҳақиқатан ҳам уйлар қурилишида энг замонавий ва юқори сифатли қурилиш материалларидан фойдаланилаётганига гувоҳ бўлди. Қурувчилар канализация мосламалари Россиядан келтирилгани, сувлар замонавий технологиялар ёрдамида синтез қилинишини айтди.

Эътиборлиси, кўп қаватли уй-жойлар аҳолининг талабидан келиб чиқиб қурилмоқда. Хонадонлар эҳтиёжманд оилаларга молиявий аҳоли инобатга олиниб, кам фоизли ва узоқ муддатли имтиёзли кредит асосида берилаётгани, кам таъминланган фуқароларнинг бошланғич тўловлари давлат томонидан субсидия асосида тўлаб берилаётгани катта ғамхўрлик белгисидир. Массивдаги дастлабки уй-жойлар ўз эгаларига 2022 йил Наврўз байрами арафасида топширилиши белгиланган.

“

Пискент туманида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” турар жой массиви ушбу улкан ташаббус маҳсулидир. Бу мажмуа “Янги Ўзбекистон” бош лойиҳасида белгиланган барча талабларга мос келади. 19 гектар майдонда қад ростлаётган 70 та 5 ва 7 қаватли уйлар қарийб 2000 та оилани уй-жой билан таъминлаш имконини беради. Демак, мақсадлар муштараклиги тўғри йўлда эканимизни кўрсатиб турибди.

Қолган хонадонлар ҳам лойиҳа режаси асосида 2025 йилгача қуриб битказилади.

Насиб қилса, “Янги Ўзбекистон” массиви қўрганлар ҳавас қиладиган яшаш масканига айланади. Айтишларича, уй-жойлар атрофида жуда катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Атроф қўламазорлаштирилиб, сув бўйида аллеялар ташкил қилинади. Мактаб, боғча, савдо дўконлари, спорт комплекслари қурилади.

Массив атрофидаги 10 гектар ерда иссиқхоналар барпо этилиб, талабгор хонадон эгаларига ажратиш ҳам режалаштирилган. Бундан ташқари, лимонзор ва узумзор боғлар яратиш учун ер ажратиш масаласи ҳал этилмоқда. Қарабсизки, бу ерда истиқомат қиладиган одамлар бир йўла ҳам уйли, ҳам ишли бўлади-да!

“Ғайрат” маҳалласида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви туманимизнинг илк янги манзараларини ўзида акс эттирмоқда. Бу каби обод, янги манзиллар эса ҳаммамизни катта марралар сари илҳомлантиради.

Башорат САТТОРОВА,
журналист



КЎП ҚАВАТЛИ ЯНГИ УЙЛАР БИЛАН КЎККА БЎЙ ЧЎЗАЁТГАН ФАРҒОНА

Фарғона шаҳрининг Мустақиллик шаҳарчаси ҳудудида ҳозирда кўп қаватли уйлар қурилиши ишлари жадаллик билан олиб борилапти.

Шаҳарчада ҳар бири 54 хонадондан иборат бўлган 5 та 9 қаватли ва 256 хонадондан иборат 4 та 16 қаватли турар жой барпо этилмоқда.

Фарғона вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров шаҳарчада бўлиб, уйлари қурилиш технологияси ва сифатига эътибор қаратди.

Вилоят раҳбари ҳудудни ободонлаштириш, болалар майдончаси ташкил этиш ишлари ҳам

уйлар қурилиши билан бирга олиб борилиши лозимлигини таъкидлаб, бу борада мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

9 қаватли уйлар жорий йил декабрь ойда фойдаланишга топширилади. 16 қаватли уйлар келгуси йил баҳорда қуриб битказилиши мўлжалланган.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

Шерзод ХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
энергетика вазири ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида республика бўйича жами 7,5 миллион дона электр ҳисоблагич, 2,2 миллион дона газ ҳисоблагич ўрнатилди. Улар барча замонавий тўлов дастурлари билан ўзаро интеграция қилинди. Бу эса истеъмолчиларга ўз тўловларини онлайн назорат қилиш, электр ва газдан фойдаланиш миқдорини кўриб туриш ва энг муҳими, истеъмолчиларнинг тўлов интизомини мустаҳкамлаш имконини берди.

Бунда фойдаланилган энергия ресурслари учун тўловларни ўз вақтида мобил алоқа воситасида амалга ошириш учун замонавий қулайликлар яратилляпти. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг тўлов интизомини яхшилашда ижобий аҳамият касб этмоқда.

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШДА МУҲИМ

“Иш боши — интизом”, деган гап бор халқимизда. Бу бежиз эмас. Энергетика ва нефть-газ соҳаларининг салмоқли қисми хавфли ишлаб чиқариш объектлари ҳисобланиб, раҳбар ва ишчи-ҳодимлардан “темир” интизомга рўя этишлари талаб қилинади.

Шунинг учун тармоқда ҳам “ljro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими жорий этилди.

Бугунги кунга қадар 256 та қонунчилик ҳужжати ва кўрсатмада Энергетика вазирлиги бўйича жами 1 128 та топшириқ қайд этилган бўлиб, шундан 880 таси бажарилган ва 245 таси бажарилиш босқичида турибди. Шу билан бирга, 3 та топшириқ бўйича ижро муддатларининг бузилишига йўл қўйилган. Ушбу ҳолат ўтказилган муҳокамаalarda танқидий кўриб чиқилиб, қисқа вақтда ижросини сифатли таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даврида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ уддаламагани ҳамда кечиктириб бажаргани учун 5 ҳодимга ҳайфсан берилган, 6 нафари қатъий огоҳлантирилган.

Самарали меҳнат қилаётган раҳбар ва ҳодимларни рағбатлантириш мақсадида вазирликда КРП тизими татбиқ этилди ва 4 та асосий йўналиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар (мезонлар) белгиланди. Улар: биринчидан, назоратдаги топшириқ ижросини таъминлаш, иккинчидан, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таъминлаш, учинчидан, корхоналардаги муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг мустаҳкамлашдан иборат.



ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ОМИЛЛАРИ

Мамлакатимизда энергетика соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири электр энергиясини истеъмолчиларга етказиб беришда эркин бозор тамойилларини жорий этишни назарда тутди. Ушбу тизим тамомла янги бўлган “мустақил энергия ишлаб чиқарувчи” модели асосида янги қувватларини ишга тушириш лойиҳаларини амалга оширишнинг талаб этиди. Унинг давлат-хусусий шериклик тамойилларига таянган ҳолда жорий этилиши соҳага жалб қилинаётган хорижий кредитларни давлат томонидан кафолатлашга чек қўйди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда энергия ишлаб чиқариш соҳасининг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун, 2020-2030 йилларда республика истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси қабул қилинди.

Концепцияга мувофиқ, 2030 йилга бориб электр энергетикаси тармоғида умумий қуввати 5 000 МВт.га тенг қуёш, 3 000 МВт. бўлган шамол ҳамда 1 900 МВт. гидроэлектр станцияларини ишга тушириш режалаштирилган. Бунинг ҳисобига қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши умумий ҳисобда 24 фоизгача етади, иссиқхона газларининг йиллик ҳажми эса CO₂ эквивалентига қарийб 7 миллион тоннага камаяди.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида жорий йилда БААнинг “Masdar” компанияси томонидан Навоий вилоятида қуввати 100 МВт. бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Шу йилнинг декабрь ойида Самарқанд вилоятида худди шунча қувватли иккинчи фотоэлектр станция Франциянинг “Total Eren” компанияси томонидан фойдаланишга топширилди.

Тармоқда белгиланган жадвалларга асосан, жорий йилнинг ўтган 10 ойида хорижий инвесторлар билан умумий қуввати 2 200 МВт. бўлган 7 та қуёш ва шамол электр станциясини қуриш бўйича битимлар имзоланди. Шунингдек, Бухоро,

Наманган ва Хоразм вилоятларида умумий қуввати 500 МВт. бўлган 3 та қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича танловлар эълон қилинди. 2021 йил якунига қадар қуввати 300 МВт. бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш учун яна бир танлов бўйича ишлар бошланади.

Сўнгги икки ярим йилда давлат-хусусий шериклик асосида электр станцияларини қуриш, ишга тушириш ва эксплуатация қилиш бўйича хорижий компаниялар билан инвестиция битимлари ва электр энергиясини узоқ муддатда сотиб олиш бўйича жами 18 та шартнома имзоланган. Ушбу лойиҳалар соҳада рақобат муҳитини яратиш борасида муҳим босқич ҳисобланади. Энергияни мустақил ишлаб чиқарувчи корхоналар қаторида “Total Eren” (Франция), “Masdar” (БАА), “Akso Enerji” (Туркия), “ACWA Power” (Саудия Арабистони) каби дунёнинг етакчи компаниялари бор.



Бу борада 2022 йилда ҳам тизимли ишлар давом эттирилади. Хусусан, умумий қуввати 300 МВт. бўлган 2 та қуёш ва шамол электр станциясини қуриш бўйича танловлар ўтказилади, 800 МВт.ли 4 та қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича ташкил этилаётган танловлар ғолиблари билан тегишли битимлар имзоланади.

Электр энергетика соҳасидаги ислохотлар ва давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳалар эвазига 2023 йилда умумий қуввати 2 197 МВт. тенг 7 та қуёш ва шамол электр станцияси иш бошлайди. Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги Бештол тоғ тизмасида ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, 2 та шамол станцияни қуриш бўйича халқаро танлов эълон қилинади.

2024 йилда эса умумий қуввати 1 400 МВт. бўлган 6 та қуёш ва шамол электр станцияси қурилади. 2025 йилда умумий қуввати 2 400 МВт. бўлган 4 та шамол электр станцияси ягона тармоққа улашиб, Ўзбекистонда қуёш ҳамда шамол электр станцияларининг умумий қуввати 6 197 МВт.га етказилади.

“МАҲАЛЛАБАЙ” ВА “ХОНАДОНБАЙ” ТИЗИМ

Бугунги давр истеъмолчилар муаммоларини “одамларни рози қилиш” ва “инсон қадри учун” тамойиллари асосида ҳал этишни талаб қилади. Бунинг учун электр энергияси таъминоти бўйича 1154 ва газ таъминоти бўйича 1104 қисқа рақамли “Call center”лар ишга туширилди. “EnergoWiki” мобил иловаси ишлаб чиқилиб, аҳолини қизиқтирган муаммоларни саволларга мобил телефон ёрдамида осон ва тез фурсатда жавоб олиш имконияти яратилди.

Жорий йилнинг 9 ойида Энергетика вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан 2 174 та мурожаат келиб тушган. Шундан 1 585 таси бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тушуинтиришлар берилиб, 502 таси қаноат-



Шундай экан, бу йўналишдаги ишларимиз етарли даражадами, деган савол туғилади. Сидқидилдан айтадиган бўлсак, аҳолининг кундалик ҳаётида ҳали ўз ечимини топмаган, турмуш тарзини яхшилашда тўсик бўлиб турган муаммолар мавжуд.

Президентимизнинг юқорида эслатиб ўтилган нутқида эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлар энергия ресурслари билан кафолатли таъминланиши энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Ушбу вазифани бажаришда Энергетика вазирлиги томонидан бир қатор долзарб ҳужжатлар лойиҳалари — “Электр энергетика тўғрисида”ги қонун лойиҳаси (янги таҳрирда), “Табий газ таъминоти тўғрисида”ги қонун, “Магистрал электр тармоқлари кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Электр энергетикаси соҳасини ислоҳ қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқиш талаб этилади.

Тан олиш жоиз, Энергетика вазирлиги аппаратида ижро интизومي ва қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этишда айрим камчиликлар ҳамон сақланиб қолмоқда:

биринчидан, вазирлик марказий аппаратида ҳужжатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, назоратдаги топшириқларни ҳодимларнинг шахсий иш режаларига киритган ҳолда, уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш талаб этилади;

иккинчидан, назоратдаги топшириқлар, биринчи навбатда, вазирликнинг Президент ҳужжатлари ижросини узлуксиз мониторинг қилиш бўйича электрон маълумотлар базасини такомиллаштириш лозим;

учинчидан, вазирлик ва тизим ташкилотларида назоратдаги топшириқлар бажарилишини вертикал бошқарув тизими бўйича ташкил этиш ва коллегиал органлар йиғилишларида улар натижадорлигининг танқидий муҳокамасини тизимли йўлга қўйиш зарур.

Ушбу камчиликларни бартараф этишда вазирликнинг барча раҳбарлари,

бўлим бошлиқлари ва ҳодимларнинг шахсий жавобгарлигини оширишни назарда тутган ҳолда қўйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:

биринчидан, ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини ташкил этишда самарали услублардан фойдаланишни амалиётда жорий этиш мақсадида ҳодимлар малакасини ошириш чоралари кўрилади ҳамда семинарлар ўтказилади;

иккинчидан, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва назоратдаги топшириқлар ижросини сифатли таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши янада кенгайтирилади, шунингдек, вазирликнинг Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш бўйича электрон маълумотлар базаси кенгайтирилади;

учинчидан, топшириқлар ижросини назорат қилишнинг “худудий корхона — республика миқёсидаги ташкилот — вазирликнинг тегишли бўлини” ва вазир ўринбосари — вазир” ягона технология занжири яратилади ва топшириқлар шу тартибда бажарилади;

тўртинчидан, ҳар ой якуни билан энергетика соҳасида ижро интизومي масаласи ҳайъат йиғилишларида танқидий муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўрилади.

Ўқили-энергетика соҳасининг маскур йўналишларида белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши наинки тармоқдаги ишлар ривожини, балки хорижий инвесторларнинг ишончини орттиришга ҳам пухта замин яратади. Айни кезде белгиланган лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириш механизми ва муддатлари, эришиладиган натижаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Ижро интизомига қатъий амал қилган ҳолда ишлаш “одамларни рози қилиш” ва “инсон қадри учун” тамойилларини изчил ва ўз вақтида жорий этиш истеъмолчилар манафатларини таъминлаш кафолати эканини яхши тушунамиз ва келгусида ҳам шу асосда иш олиб борамиз.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

РОССИЯДА САВДО ШОҲОБЧАСИ ОЧГАН ТАДБИРКОР

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2018 йил бошида гурланлик тадбиркор аёл Россиянинг “ФУТ-Сити” савдо марказида савдо шохобчаси очганини эшитган бировлар ажабланди, Манзуранни яхши билганлар эса унга омад тилади.

Ишлаб чиқаришнинг ўзига хос қоида ва талаблари бор — маҳсулотнинг ички бозордан ортгани четга чиқарилади. Бунда, албатта, маҳсулот сифати биринчи ўринда туради. Маҳсулотнингиз харидоригр бўлмаса, йўл харажатларига қуйиб қолишингиз турган гап.

Сифатли, жаҳон стандарти талабларига мос маҳсулот ишлаб чиқарувчига даромад келтиради, яна чет эл валютасида. Бу эса иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг олтин қоидаси.

Буларни Манзура яхши билади. Шу боис, бошидаёқ ишларини пухта йўлга қўйди. Бугун у вилоят экспортёрлари орасида ўз ўрнига эга.

Манзура Машарипованинг асли мутахассислиги педагог. 1999 йилда Урганч давлат университетини бошланғич таълим методикаси йўналиши бўйича тамомлагач, тумандаги 1-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. Кейинчалик мактабгача таълим тизимига ишга ўтди. 2016 йилда тумандаги “Яйра” номли давлат

мактабгача таълим ташкилотига мудир бўлди.

Манзура ёшлигидан ишлаб чиқариш, савдо-сотикқа қизиқарди. Аммо у пайтларда аёл кишининг бу соҳада ишлаши айримларга эриш тулоларди.

Юртимизда бошланган ислохотларнинг янги босқичи Манзуранинг болалигидagi орзуси учун тамал тоши бўлди, дейиш мумкин. 2016 йилда тадбиркорларга, айниқса, хотин-қизлар тадбиркорлигига кенг йўл очилгани, шарт-шароитлар яратилгани, имтиёзлар берилганидан фойдаланиб, “Гурлан Экспорт” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. МЧЖ асосан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган.



— Воҳанинг ерлари унумдор, нима эксанг, кўнгилдигидан зиёд ҳосил беради, — дейди тадбиркор аёл. — Аввал кичик-кўч иссиқхонада сабзавот маҳсулотлари

етиштиришни йўлга қўйдик. Мўл ва сифатли ҳосил харажатларимизни бир мавсумдаёқ қоплади. Кейин фаолиятимизни кенгайтдик. Ҳозир 25 гектар замонавий

иссиқхонада помидор, булғор қалампири, бодиринг, баклажон етиштиряпмиз. Бундан ташқари, 30 гектар майдонда узум, таршкил қилдик. Нафақат маҳаллий, шунингдек, экспортбоп навларни ҳам эким, парваришлаганимиз натижасида бугун узум майизини бир қатор давлатларга экспорт қияляпмиз. Шу узумчилик боғимизда 60 нафар киши иш билан таъминланди.

Корхона атамасига беҳудага “экспорт” сўзи қўйилмаган. Аввалдан етиштирган маҳсулотни экспортга чиқариш ният қилганган. Ҳали иш бошлаб, илк ҳосил олинган даврда — ўша 2017 йилдаёқ ёш тадбиркор учун экспорт эшикларини очилганди. Ҳозир турли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва майиз Қозоғистон, Туркменистонга етказиб берилмоқда. Россияда эса савдо шохобчаси бутун йил давомида тўхтовсиз ишляпти. Янги йилдан узум майизини Покистонга экспорт қилиш бўйича алоқадор ташкилотлар билан шартнома имзолаган.

Бугун тадбиркор аёл икки юз нафардан зиёд хотин-қизни иш билан таъминлаган. Ишлаш учун барча шароитлар яратилган ва ишчилар олаётган маошлар ҳам чакимас — олий маълумотли мутахассислар даромади даражасида.

Гурлан туман ҳокимининг ўринбосари, инвестициялар ва ташки савдо бўлими

бошлиғи Усмон Жумагалдиев моҳир ташкилотчи, ташаббускор ва янгиликка интилувчан тадбиркор аёл ҳақида шундай дейди: “Манзуранинг ишчанлиги, янги технологиялар киритишга интилиши таҳсинга лойиқ. Корхонасида йилдан-йилга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда. Бу эса тадбиркорга қўшимча даромад келтиряпти. Манзура даромадини тадбиркорлигини янада кенгайтиришдек савоби ишга сарфляпти. Ҳозир туман аҳолисини сифатли ун билан таъминлаш мақсадида малакали мутахассис ва ҳуқуқшуносларни жалб қилган. Бу савобли ишлари натижасида худудда ўндан ортиқ кичик корхона янгидан иш бошлади.

Тадбиркорнинг саховат тадбирларида фаоллиги алоҳида маъзу”. Бундан ташқари, М. Машарипова тажрибали тадбиркор сифатида ишбилармон хотин-қизларнинг мустақил фаолият юритишларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида малакали мутахассис ва ҳуқуқшуносларни жалб қилган. Бу савобли ишлари натижасида худудда ўндан ортиқ кичик корхона янгидан иш бошлади.

Тадбиркорнинг саховат тадбирларида фаоллиги алоҳида маъзу”. Бундан ташқари, М. Машарипова тажрибали тадбиркор сифатида ишбилармон хотин-қизларнинг мустақил фаолият юритишларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида малакали мутахассис ва ҳуқуқшуносларни жалб қилган. Бу савобли ишлари натижасида худудда ўндан ортиқ кичик корхона янгидан иш бошлади.

Ишонимизки, бу рақамларга йил сайин янги рақам — “0”лар қўшилиб бораверади. Чунки унинг шижоати, мақсади шундай!

**ПРОФЕССИОНАЛ ВА ХАЛҚЧИЛ
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ —
ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ОМИЛИ**

24 204 нафар
фойдаланувчи

152 та
видео маъруза

240 та
электрон китоб

2021-2022 й. | **90 397 нафар** давлат хизматчилари

17 738 нафар ўрта бўғин

72 469 нафар қуйи бўғин

ДБА ва республиканинг **80 та** малака ошириш
марказларида ўқитилади

14,5 минг (20 %) нодавлат таълим ташкилотларида ўқитилади

Бугунги ислохотларнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам муҳим

Раҳмат МАМАТОВ, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Инсон қадри ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одамларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш давлатимизда юротаётган инсонпарварлик сиёсатининг асосий мезонларидан биридир. Айниқса, мамлакатимизнинг чекка ва олис ҳудудларида яшовчи юртдошларимизни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш, улар саломатлигини асраш, бугунидан тўла рози бўлиб яшашига эришиш учун муҳим ҳаётий қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, жамиятдаги турли масалаларни маҳалла даражасида аниқлаш ва шу ернинг ўзида ечимини топиш бўйича амалиётга жорий этилаётган “маҳаллабай” ва “хонадонбай” иш услублари бугун юқори самара кўрсатаётгани ҳам ислохотлар асосида инсон қадри турганидан дарак бераётир.



Давлатимиз раҳбари раислигида тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишлаб яқинда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мамлакатимизда кечаётган барча ислохотлар инсон ва унинг бахтли яшашини таъминлашга қаратилгани бот-бот такрорланди.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, айни вақтга қадар мамлакатимиз аҳолисининг 4 миллионга яқинида юрак-қон томир касалликлари аниқланган бўлса, энг юқори кўрсаткич Наманган, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида қайд этилмоқда.

Йиғилишда ушбу муаммо ечими сифатида келтириб ўтилган, келаси йилдан бошлаб 40 ёшдан ошган юртдошларимизни йилгига камида бир марта манзилли скринингдан ўтказиш, 200 мингдан зиёд эҳтижманд аҳоли вақилини ушбу касалликка қарши зарур дори-дармон билан бе-пул таъминлаш, маҳаллаларда “ги-пертерония саломатлик мактаблари”ни ташкил этиш каби муҳим ҳаётий жа-

раёнлар, ўйлаймизки, аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, умуман, ҳар қандай хасталикка қарши курашишда соғлом турмуш тарзига амал қилиш муҳим ҳаётий зарурат эканига алоҳида эътибор қаратар экан, бу борада маҳаллаларнинг ўрни катталигини таъкидлади.

Бугун ҳудудларни ободонлаштириш бўйича кенг қамровли қурилиш ва таъмирлаш ишлари жараёнида мамлакатимиздаги қўллаб-маҳаллаларда спорт комплекслари, болалар спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари барпо этилмоқда. Йиғилишда энди соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда фаол иштирок этган маҳаллаларда фитнес кўчалар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда бунинг учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилиши қайд этилди.

Мавзунинг мантикий давоми сифатида сўнгги вақтларда халқимиз орасида оммалашаётган “Соғлом турмуш тарзи”

платформаси хусусида сўз борар экан, давлатимиз раҳбари “Бу ишларни янада кенгайтирамиз, мен учун ҳар бир одамнинг соғлиги қадри”, дея таъкидлади.

Йиғилишда маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилиши зарурати ва бу борада энг муҳим ишлар тафсилоти ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган ушбу янги тизим аҳоли бандлигини таъминлаш, юртдошларимизнинг тадбиркорлик борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, томорка ва ҳудуддаги бўш ерлардан унумли фойдаланишни ташкил этиш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал этишда самарали ва ҳаётий ечимдир.

Бугунги кун талаби ўларок, маҳаллаларга бириктирилаётган ҳоким ёрдамчилари энди ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш орқали мавжуд муаммоларни ҳал этади. Маҳалла аҳлининг турмуш даражасини ошириш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ чоралар кўради.



Ташкил этилган тегишли ишчи гуруҳ аъзолари томонидан бугунга қадар Жиззах вилоятидаги 299 та маҳаллага бириктирилаётган ҳоким ёрдамчилари суҳбат асосида танлаб олинди. Билими ва салоҳиятига ишонган, иқтисодиёт соҳасида муайян малакага эга ушбу кадрлар ўз ҳудудидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ ва асосли таклифларга, ҳаётий ташаббусларга эга.

Йиғилишда “Жиззах намунаси” асосида энди ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчилиги учун номзодларни аниқлаш, бу жараёнда уларнинг билими, тажрибаси, ташаббускорлиги ҳамда маҳалланинг ўзига хослиги ва мавжуд имкониятларидан фойдалана олиш салоҳиятига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Айтиб ўтилганидек, 2021 йил 1 январдан мамлакатимизда мавжуд 9 минг 259 та маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчилари иш бошлади.

Қатор масалалар қамраб олинган ва инсон манфаатларига хизмат қилаётган турли йўналишлар муҳокама-сига бағишланган йиғилишда ёшлар



сиёсатига оид кенг қамровли ишларни давом эттириш ва бу борада маҳаллагача бўлган вертикал тизим яратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Унга кўра, энди ҳар бир маҳаллада вилоят ҳокимининг ёрдамчиси — ёшлар етакчиси лавозими жорий этилади.

Бу ташаббуснинг ҳаётий зарурати шундаки, жойларда ёшлар билан ишлашнинг мавжуд механизмлари самарадорлиги кўзга ташланмапти. Айниқса, ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва уларнинг касбий қизиқишини аниқлаган ҳолда бандлигини таъминлаш барча ҳудудда ҳам кўнгилдагидек олиб борилмапти.

Йиғилишда ушбу лавозимга киришадиган ёшлар мазкур масалаларга тўла ечим топиш асосида “Ёшлар дафтари” ва ёшлар дастурларини шакллантириш ҳамда уларнинг ижросини таъминлашда бевосита иштирок этишига алоҳида урғу берилди. Бунинг учун ҳарбий хизматни ўтаган, ёшларни ортидан эргаштира оладиган, садоқатли, фидойи йигитларни ушбу лавозимга тайинлаш бўйича Тошкент шаҳрида “пойтахт намунаси” ташкил этилиши белгиланди.

Халқимиз турмуш тарзида даракларнинг ўрни жуда муҳим: фарзанд туғилиши, иморат солиш, рўзгор бутлиги, шунингдек, атроф гузаллиги ва ободлигини таъминлаш каби ҳаётий заруратлар бевосита табиат ва даракларга бўлган муносабатимизга боғлиқ.

Видеоселекторда юртимиз бўйлаб кенг миқёсда бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ба-жарилаётган ишлар ва амалга ошири-

лиши керак бўлган вазифалар ижроси ҳам атрофлича таҳлил этилди.

Сўнгги пайтларда айрим ҳудудларда юзага келган чангли об-ҳаво дарак ва ўсимлик дунёсига муносабатимизни тубдан ислоҳ қилишга ундамоқда. Хусусан, дараклар ва ўсимликлар сони ҳамда турини кўпайтириш, теварак-атрофни кўкаламзорлаштириш бўйича бошланган ишларни жадаллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Зотан, иқлим ўзгаришларини мўътадиллаштириш бўйича бошланган ишларни бир кун ҳам кечиктирмаслик, бунинг учун барча ҳудудда дарак тур-лари ва сонини кўпайтириш зарурлиги кундек равшан бўлмоқда.

Даракт экиш бўйича 10 декабрга қадар давом этадиган “долзарб 40 кунлик”да юртимиздаги барча маҳалла ходимлари ва фаоллари муносиб иштирок этмоқда. Маҳаллалардаги бўш турган ер майдонлари, аҳоли томорқалари, кўп қаватли уйларга туташ ҳудудлар, яқка тартибдаги хонадонлар атрофи, ички кўчаларнинг икки ён томони, канал ва ариқлар бўйида турли мевали ва манзарали дарактлар экиш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Бугун инсон қадри ва унинг бахтли ҳаётига қаратилган бу каби кенг ислохотлар ҳамда амалий ишлар негизда юртимиз тараққиёти ва халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш каби катта ҳаётий мақсадлар мужассам. Шу маънода, мазкур йиғилишда кўтарилган масалалар ўзининг долзарблиги билан халқимиз ҳаётидаги катта ўзгаришларга мустаҳкам пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Янгича ёндашувлар

Экологиянинг инновацион посбонлари

Замонавий технологияларнинг жорий қилиниши ҳаётий юмушларимизни енгиллаштириши баробарида экологик муаммоларни бартараф этишга ҳам ёрдам беради. Илм-фан кишилари экотизим барқарорлигини сақлашга ўзининг янги лойиҳалари билан ҳисса қўшмоқда. Яқин-яқинларгача инсоният шиша, пластмасса, қоғоз, полиэтилен каби чикинди турларига қарши курашиб келган бўлса, эндиликда уларнинг миқдори синтетика ва лотексдан иборат бир марталик қўлқоп, химоя ниқоблари ҳисобига ҳам ортиб борапти.

Экологларнинг таъкидлашича, бундай во-ситаларнинг табиий муҳитда йўқ бўлиб кети-ши учун 400-450 йил керак бўлади. Уларнинг сув ҳавзаларига тушиши ёхуд тупроқ қатла-мига қоришиб кетиши табиатга янгидан-янги муаммоларни олиб келмоқда. Яна бир ҳаво-тирли томони борки, тиббиёт чикиндиларида турли вирусли инфекцияларнинг тарқалиш хавфи ҳам юқори бўлади.

Биология фанлари номзоди, доцент Му-заффар Сатторовнинг тиббиёт чикиндилари-ни термик усулда зарарсизлантириш ку-рилмаси лойиҳаси республика Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан маъқу-лланди, зарур маблағ ажратилди. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги “Атроф-муҳит ва та-биатни муҳофаза қилиш технологиялари” илмий-тадқиқот институти лабораториясида қурилманинг илк нусхаси ишлаб чиқилиб, зар-ур саноатлардан муваффақиятли ўтди.

— Қурилма конструкцияси икки каме-радан иборат бўлиб, биринчи камера массани зарарсизлантириш вазифасини бажаради, иккинчиси эса деструкция ма-ҳсулотининг тўлиқ оксидланишини таъ-минлайди, — дейди М. Сатторов. — Юк-ланаётган маҳсулотнинг микробиологик ҳолатидан келиб чиқиб, камералардаги ҳа-роратни 1200–1300 градусгача кўтариш им-конияти мавжуд. Натижада микробиологик хавф тўлиқ бартараф этилади. Битта ку-рилма бир кунда 50 килограмгача тиббиёт чикиндисини зарарсизлантириш имконига эга. Бир кунда бир бемор ҳиссасига ўрта-ча 100-150 грамм тиббиёт чикиндиси тўри келишини ҳисобга олсак, ҳар 100 ўринлик касалхонага биттадан модулли қурилмани жойлаштириш kifoya.

Музаффар Сатторов таклиф қилаёт-ган қурилманинг афзал томони шуки, унда



зарарли диоксинни тутиб қолувчи филь-трлар ўрнатилган бўлиб, атмосферага заҳар-ли тўтун чиқармайди. Хозиргача бу борада мавжуд қурилмалар аҳоли яшайдиган жой-лардан қанчалик йироққа ўрнатилмасин, барибир ҳавони ифлослаши билан хавфли эди. Янги қурилмани эса бемалол тиббиёт объектларига ҳам жойлаштириш мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, чикинди полигонлари-га юк ташишга ҳожат қолмайди. Логистика харажатлари тежаллиши баробарида, чикин-дилар эгаллайдиган майдон ҳам қисқаради.

Зангиота туманида жойлашган “Biofuel” корхонасининг асосий фаолияти экотехно-логиялар соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва экспериментал ишланмалар яратиш ҳисоб-ланади. Жамият тасарруфидаги корхона томонидан “Канализация чикиндилари ва қаттиқ майиш чикиндилардан биоёқилги олиш” стартап лойиҳаси ишлаб чиқилган. Инновацион лойиҳанинг атроф-муҳит му-ҳофазаси учун муҳимлиги иноватта оли-ниб, мутасадди ташкилотлар томонидан керакли маблағ ажратилиб, ишлаб чиқа-ришга татбиқ этилди. Лойиҳа доирасида 30 га яқин иш ўрни яратилиши баробарида утилизация қилиш билан боғлиқ харажат-лар тежалади.

— Майиш чикиндиларни янгича усулда қайта ишлаб, ўз-ўзини энергия билан таъ-минловчи технология кичик шароитда му-ваффақиятли синовдан ўтказилди. Қурил-ма қаттиқ майиш чикиндиларни 100 фоиз қайта ишлаб, улардан дизель фракцияси (синтетик нефть), бензин фракцияси ва юқ-ри калорияли кокс (қўмир) олиш имконияти-га эга. Ҳосил бўладиган тош, шиша, темир каби ноорганик маҳсулотларни драбилка-дан ўтказиб, шиша ишлаб чиқариш корхо-наси ва қурилиш корхоналарида фойда-ланиш мумкин, — дейди лойиҳа раҳбари Икром Очилов.

Тадқиқотчининг айтишича, қурилмага юкланадиган маҳсулотларнинг 45 фоизи суяк углеводород ҳолига ўтиб, ундан юқ-ри сифатли синтетик нефть олиш мумкин. Қаттиқ қолдиқ қисми эса қадокланган шакл-да манзилларга юқори калорияли экологик тоза қўмир ёқилгиси сифатида трансфер қилинади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 29 сентябрда “Майиш ва қурилиш чикиндилари билан боғлиқ ишларни бош-қариш тизимини янада такомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинган эди. Унда Ўзбекистон

Республикасида қаттиқ майиш чикинди-ларни қайта ишлаш ҳажмини 2020 йил яку-нига қадар 21,8 фоизга, 2021 йил якунига қадар 36,5 фоизга етказилиши белгилан-ганидан ҳам кўришимиз мумкинки, масала муҳим ва унга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилапти.

Ўлкамизда йилгига 14,5 миллион тон-нагача қаттиқ майиш чикиндилар ҳосил бўлади, шунинг 78,1 фоизи чикиндиларни қўмиш полигонларига жойлаштирилади. Бундай ҳудудлардаги чикиндилар табиий чириш жараёнида чикинди газини чиқариш хусусиятига эга бўлгани сабабли, йилнинг иссиқ даврида полигонларда ёнғин ҳолат-лари юз бериб туради. Икром Очилов так-лиф этаётган лойиҳа чикиндиларни утили-зация қилиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қўмақлашиши билан ҳам аҳамиятли.

Таклиф этилаётган инновацион лойиҳа чикиндиларни полигонларга олиб кетили-шни истисно қилиб, экология ва атроф-муҳитга зарарли моддалар тарқалишининг олдини олади. Асосийси, қаттиқ майиш чикиндиларни ва канализация чикинди-ларини бир вақтнинг ўзида, яъни азэрация станцияси ҳудудида ва битта технология занжирда қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади, логистика харажатларини камай-тириб, коммунал хизматлар арзонроқ бўли-ши имконини беради.

Лойиҳанинг инновацион янгилиги, маҳсулот ёпиқ ҳолатда қайта ишланади. Шунингдек, чикиндилар умумий ҳажми-ни 60 фоизини қўмиш ўрнига, уларнинг 95 фоизини сотиладиган маҳсулотга ай-лантиришда ҳамда чириган чикиндилар-дан чиқадиган заҳарли газ ва суюқликлар ҳисобига экология ва атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиради. Лойиҳа-нинг тўлиқ амалга оширилиши қишлоқ ҳўжалиги ёки қурилиш эҳтиёжлари учун ерни бўшатиш имконини ҳам беради.

Ҳар йили сайёрамиздаги океан ва ден-гизларга 13 миллион тоннага яқин елим чи-кинди ғарқ бўлади. Улар йиллар давомида сувда парчаланиб, экологиянинг ифлосла-нишига жиддий сабаб бўлмоқда. Муаммо-ларни ҳал этишга қўмақлашадиган янги ку-рилмалар корхона ва муассасанинг ўзида жойлаштирилиб, чикиндилар сув ҳавзала-рига тушишининг ҳам олдини олади.

Феруза ЖўРАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

НУҚТАИ НАЗАР

Лингвистик экспертиза: халқчил, содда ва аниқ ифода

Шаҳзоджон ОТАМУРОВОД, Тошкент давлат юридик университети талабаси

Жорий йилнинг 28 октябрида ҳукумат қарори билан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоом тасдиқланди. Унга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари вазирлик, идоралар билан келишишдан олдин лингвистик экспертизадан ўтказиладиган бўлди.

Ушбу низоомда лингвистик экспертиза ўтказиш тартиби, унга қўйиладиган талаблар, баён этилган жумлаларнинг соддалиги, қисқалиги ва таърифларнинг аниқлиги бош ме-зон этиб белгиланган.

Ҳозирги кунгача қабул қилинган ва қабул қилинаётган деярли барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мураккаб жумла ва бирикмалардан фойдаланилган бўлиб, уларни тушуниш қийин. Юқоридаги талаб эса ҳужжатларнинг фуқа-роларга тушунарли тилда, бошқача айтганда, халқчил бўли-шини таъминлайди, уларнинг ижросида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тарихда баъзи мамлакатларда ҳукмдорлар ҳуқуқшуно-слардан қонунларни ўта мавҳум ва мужмал тарзда ёзишни талаб қилган. Токи, ушбу қонунни халқнинг аксарият қисми тушунади, ўзининг қандай ҳуқуқларга эга эканини англа-масин. Биз ХХI асрда яшашамиз ва фуқаролар қонунчилик ҳужжатларини тушуниши, англаб етиши демократик ҳуқуқий давлатнинг бирламчи талабидир.

Янги низоомда имловий, услубий, грамматик ва орфогра-фик қоидаларга қатъий риоя қилиш талаби белгиланган. Шу пайтгача қабул қилинган қўллаб норматив-ҳуқуқий ҳужжат-ларда ушбу қоидаларнинг қўпол тарзда бузилганига ғувоҳ бўлишимиз мумкин, айниқса, услубий ҳатолар кўппла уч-райди. Бундай ҳатолар матн мазмунини ўзгаришига, фуқаро-лар эса уни нотўғри тушунишига ва талқин қилишига олиб келади. Қўп ҳолларда ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган ҳуқуқ-шунослар ва мутахассислар юқорида айтилган қоидаларни етарли даражада билмаслиги шундай ҳолатларни келтириб чиқарувчи омили бўлган.

Яна бир масала ҳужжатларда янги атамалар, шунингдек, соҳа ва тармоқларга хос терминларнинг тўғри қўлланиши-дир. Низоомда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида-ги юридик атамалар тўғри қўлланишини текшириш назарда тутилган.

Асосийси, баённинг тизимлилиги ва ифода кетма-кетлиги. Баъзи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мантикий изчиллик бузилганига ғувоҳ бўламиз. Бунинг сабаби эса бизда уларни ишлаб чиқишнинг аниқ тизими белгиланмаганидир. Агар нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатлар аниқ тартибда тизимлаштирилса, унинг моҳиятини англаш ҳам осонлашади. Энг муҳими, қабул қилинадиган ҳужжатлар содда, ҳамма тушунадиган тилда тайёрланиб, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошади.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини етти йўналишдан иборат этиб белгилаб берди. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Иброҳим ТОҲИРИЙ:

“ТИЛ, АТАМА ВА ИМЛО БАҲСЛАРИДА МИЛЛИЙ АСОСЛАРИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК!”

Иномжон АЗИМОВ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва маалака ошириш маркази директори, филология фанлари номзоди, доцент

“Ҳаммамиз яхши тушунамиз, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи — маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустақкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз. Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясини амалга оширамиз. Миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш билан боғлиқ вазифалар доимий кун тартибимизда туради”, деди давлатимиз раҳбари.

Айтиш керакики, она тили мавзуси, уни ҳимоя қилиш, софлигини сақлаш ҳаммаша долзарб вазифалардан бўлиб келган. Иброҳим Тоҳирий ҳам ўтган асрнинг бошларида она тилимиз раванги учун курашган миллат фидойиларидан биридир. У ҳақида айтарли маълумотлар сақланмаган бўлса-да, “Тарихнинг номаълум саҳифалари (4-китоб)” асарида татар зиёлиларидан экани таъкидлаб ўтилган. Ҳ.Ҷамолхонов ва А.Умаров томонидан нашрга тайёрланган “Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи” китобида жонқуяр зиёлининг иккита мақоласи берилган. Улар асосида Иброҳим Тоҳирийнинг ўзбек адабий тили, имло, сингармонизм бўйича қарашларини баён этишга ҳаракат қиламиз.

1929 йил май ойида Самарқандда республика тил-имло конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур конференция олдида тилшуносларнинг тил, имло масалалари бўйича қарашлари, тақлифлари матбуот орқали бериб берилган. Иброҳим Тоҳирийнинг ҳам “Тил, атама ва имло баҳслари. Тил, алифбе ва ёзув масалалари” мақоласи “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1929 йил 81- ва 82-сонларида эълон қилинган.

Четдан сўз ўзлаштиришда ҳушёрлик керак!

Иброҳим Тоҳирий ўз мақолаларида четдан сўз ўзлаштириш ҳодисасини ижобий ҳолат сифатида баҳолайди. Чунки фан, маданият, ишлаб чиқариш ривожлангани сари янги сўзлар истаъимизми-истамамизми, кириб келаваришини, уларни миллий лингвистика қонунлари билан тилимизга мослаштириш лозимлигини айтиди. Жумладан, бундай дейди: “Чунончи ҳар хил тарихий, ижтимоий, иқтисодий сабаблар билан бизнинг тилимиз араб, форсий, усмонли таъсирига тушиб қолган экан, бу катта фожиа эмас, бу ҳодиса ҳар бир тилда бўлади. Бу ҳодиса халқнинг орақда қолганини кўрсатмайди, балки орта борган маданиятини кўрсатади. Рубакин узининг “Тиллар тарихи” китобида инглиз, француз ва немисларнинг тилларида 35 фоиз чет сўзлари борлигини кўрсатади. Русларда эса бундан ҳам кўбрак, дейди. Бизда эса бурундан ҳам кўб бўлиб, ўзгариш таъсири билан яна янги сўзлар маданият мундарижасининг қуроли бўлиб, босиб кетаётди.

Бунга қарши туриш ҳеч кимнинг қўлидан келмагани каби қарши туриш ҳам ярамайди. Фақат тилимизга янгидан кирадурган сўзларни рационал йўл билан ўз ахли томонидан оммалаштиришга фанний суратда, лингвистика қонунлари бўйича уларга йўлбошчилик қилишгагина мажбурмиз”.

Иброҳим Тоҳирий тилга сўзлар 2 хил кўча (йўл) орқали кириб келишини айтади. Биринчи кўчада сўзлар турли маданият қуроллари орқали ўзлаштирилади. Масалан, самовар, чойнак, калавот каби. Иккинчи кўчада эса мактаб, адабиёт ва таржима орқали кириб келади. Биринчи йўл табиий йўл бўлиб, бунда халқ сўзларни узига мослаб, ўз тили қолибга солиб қабул қилади. Олимнинг таъкидлашича, “Биринчи кўча билан бизга ва бошқа халқларга чет сўз жуда оз кириб, унинг билан баробар омма ундай сўзларни маъноси бўзилди деб турмайди, ўзининг тил қолибига сола беради. Бундай сўзларни ҳеч бир халқ таржима қилмайди. Руслар тоторлар билан муносабат бошлаган кунларида ўзларининг маданият хазиналари қамабағаллигидан тоторлардан жуда кўп сўзлар олдилар. **Бўрон, тумон, бозор, сарой** сўзлари каби, Ўзбекистондан, Қозғистондан палов, **чойхона, мачит, мадраса, курдюк, кумыс** каби сўзларнинг ҳам аллақанчаси рус тилига ҳуқуқли сўз бўлиб кириб кетдилар, бироқ бу сўзларни ҳеч ким рус тилига таржима қилишни ушлаган эмас. Мана бу йўл табиий йўл, бизда ҳам шул ҳолича бориши керак”.

“Чиғатой гурунги”да кечган мунозаралар


Ўша пайтдаги энг катта муаммолардан бири четдан кириб келган сўзлар, уларнинг имлоси масаласи эди. Газета ва журналларда татарча, туркча, русча (у орқали бошқа тиллардан кириб келган сўзлар) турлича ёзилиб келганини, бу нашрлар қайси ҳудуддан чиқишига қараб турли шева элементлари фаол қўлланганини кўрамиз.

Бу жараёнда, айниқса, Фитрат бошчилигидаги “Чиғатой гурунги” фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар тилимизга кириб қолган ёт сўзларнинг ўзбекча муқобилини топишни, тилимизни миллийлаштиришни, ўзбекча муқобили бўлмаган ўзлашма сўзларни ўзбек адабий тили меъёрларига мослаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шу ҳақда Фитрат бундай ёзади: “Тилимизнинг ўз бойлиги (мустақил) бўлиб туриши учун гапларга ва ёзувимиз аро кириб қолган ёт сўзларнинг ўзбекчаларини илкимиздан келганча охтариб топиб ишлайлик. Туркчаси топилмаган сўзлар ва истилоҳлар бор эрса, уларни чиқариб ташлаб, ўрунларини бўш қўйлик демайман. Туркчаси топилмаган сўзлар ва истилоҳлар қолсун, бироқ туркчанинг буйруғи остида кириб қолсун”.

Жадидлардан бири Маннон Рамз бундай ёзади: “Ҳалигача босилиб келинаётган адабиётда (китоб, рисола, ўқиш китоби, нафис адабиёт, газета, журнал ва бошқалар), асосан, адабий



тил бирлиги унсурлари бор бўлса ҳам, лекин жуда заифдир. Масалан: а) айрим газета ва журналларда турли йўл тутилиши ва турли шеваларга таянишлар; б) бошқа миллат лажжасини қўшиб юборишлар (айниқса, таржима матириёлларида бу ҳол яна кўб учрайди; в) эски, улуқ — тушунмаслик сўзларни тартибсиз равишда истеъмол қила боришлар. Мана шунинг учун адабий тилнинг расмийлаша боришида бошвоқсизлик бор, деб даъво қилдик”.



Иброҳим Тоҳирий товуш ва фонемани фарқлайди, ҳар қандай товуш фонема бўла олмаслигини айтиди: “Одатда бутун маданий тилларнинг ёзувида фанитика сўзини шарт билангина олиб, фанемаларгагина ҳарфлар ясалмади, чунки амалий ёзувнинг ҳеч бир ҳарфи овозни тўғри бера олмайди...”

Иброҳим Тоҳирий ҳам мазкур масалага ўз муносабатини билдиради: “Бизнинг тилимизда меннинг ҳисобим билан 2800 (исмларимиздан бошқа) чамасида араб, форс сўзлари ишлатилади. Буларни нима қиламиз?.. У бу хусусда ўз фикрларини билдирган Миён Бузруқнинг баъзи қарашларига қўшилган ҳолда, баъзи фикрларига қарши чиқади. Хусусан, унинг **“саъй”, “ғам”** каби сўзларни ўз ҳолича қолдириш фикри хато экани, бундай сўзларнинг **“тиришмоқ”, “қайғу”** каби муқобиллари тўлиб етганини, **“ароқи”, “безори”, “бухори”** каби сўзларга қўшилган арабча нисбат шаклининг ўрнига **“лик”, “-лык”** қўшимчасини, **“туркий китоб”, “адабий кеча”, “ҳаётий масала”** каби бирикмаларни **“туркча китоб”, “адаб кечаси”, “турмуш масаласи”** тарзида ишлата бериш лозимлигини айтиди.

У ҳам айна шу иккинчи кўча (йўл) билан кириб келаётган сўзларни тартибга солиш, бу соҳада татарларнинг услубини қўллашни, яъни янги ўзлашган сўзларни тўллаб, нашр қилиб, вақти-вақти билан тарқатиб туришни тавсия қилади: “Иккинчи кўча билан кирган сўзларга йўлбошчилик қўрсатиш, бу кўчага раҳбарлик қилиш зарур бўлади. Бироқ биз бу кўчада турмушдан қўб орқада қолиб борамиз. Бу кўча анархия ҳолича кетиб бора ётибди. Таржимачиларнинг ёрдамига қўл чўзиш илмий марказ устига тушади. Бу соҳада Тотористон

методи яхши бўлар эди. Атамалар мажмуасини бўлак-бўлак қилиб босиб, тарқатиб туриш керак”.

Луғатимиз бойишида таржиманинг роли

Иброҳим Тоҳирий таржима адабиёти орқали луғатимизнинг бойиб боришини ижобий ҳолат деб ҳисобласа ҳам европача сўзларни таржима қилиб, унинг ўрнига араб, форс сўзларини киритишга қарши чиқади (масалан, советни *шўро*, революцияни *инқилоб*, идеологияни *мафкура*, атомни *зарра* деб аташ каби). Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, унинг қарашлари ўша даврдаги совет мафкурасига мойил бўлгани мана бу сўзларидан ҳам билиниб туради: “...бу тўғрида ишчи-деҳқон ёзувини хитой ёзуви каби ҳолга айлантиришга тиришқини тил бозорларга йўл қўймаслик керак”. Шу сабабли сўз қўллашдаги баъзи фикрлари мунозарали эканини вақт кўрсатиб турибди.

Имло масаласида жиддий тадқиқотлар зарур

Иброҳим Тоҳирийнинг фонетика, ёзув ҳақидаги фикрлари орқали тил-

ясалган жадваллари бор. Бироқ улар ўз тилимизга ҳамма тафсилоти билан чиққан эмас. Ўрта Осиё давлат дорил-фунунида бу тўғрисида ҳеч нарса йўқ. Ҳатто о — ө, а — ә каби жуда аниқ эшитиладурган товушларни ажратиб, уларнинг вазиятини кўрсатурлик ҳеч бир, ҳатто оддий қурол ҳам йўқ. Фанитикамизни ишлаш керак. Ишлагандан кейин яхшилаб ўрганиш керак. Бўлмаса ўзинг ҳам яхши тушунмасдан ўқучига тушунтирмаман деб азоб чекиш бекор гап”.

Унли товушлар устида изланишлар олиб бораётган Элбек тўқиз унлини қабул қилишни маъқул кўрса-да, тилимиз хусусиятлари яхши текширилганда, уларнинг ҳам озлик қилишини ёзади. У а, ә, о, ө, у, и, й, л, в, ё унлиларидан ташқари, қага, ата, ана сўзларининг биринчи бўғинидаги “а” учун (бу қирил ёзувидаги “о” га тўғри келади); дана, алим, Таһир сўзларидаги чўзиқ “а” учун; bilim, tilim сўзларининг биринчи бўғинидаги қисқа і учун; sija, suv сўзларидаги -й-, -ув дифтонглари учун алоҳида унлилар белгилаш зусурлигини айтиди (татар тилшуносларидан “ўнчилар” тарафдорлари -ув ва -ий дифтонгларини унли ҳисоблаб, улар учун алоҳида ҳарфлар белгиланганлар. Элбек ҳам уларга эргашиб, бу товушларни унли сифатида санаб ўтган). Элбек ўзбек ёзуви учун дастлаб 14 унлини белгилашни маъқул кўрса, яна бир ўринда уларнинг сонини 16 та қилиб кўрсатади. Бунга сабаб Элбек фонемаси билан товуш вариантларини бир-биридан фарқламайди. Ёзувимизнинг мукаммал бўлиши учун ҳар бир эшитиладурган товушга алоҳида ҳарф белгилаш лозим, деб ўйлайди. 30-йилларда бундай тушунча кўпчилик тилшуносларининг онлида ҳукм сурган. Масалан, Ҳози Олим “Ўзбек тилининг товушлари” мақоласида унлиларни 12 та деб кўрсатса, яна бир ўринда 29 та, улардан асосийлари 22 та деб кўрсатади.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқадики, ўзбек тили қонун-қоидалари ҳақида илмий қарашлар энди шаклланаётган, кўпчилик мутахассисларнинг ўзларида ҳам назарий билимлар етарли эмаслиги, шу асосда фикрларнинг хилма-хиллиги кўзга ташланади. Шу хусусда Ҳ.Ҷамолхонов бундай ёзади: “...ҳозирги ўзбек адабий тили вокализмини белгилаш юзасидан олиб берилган дастлабки ишларда бу масалага фонема назариясига таянган ҳолда ёндашилмаган, фонема билан унинг нутқдаги реал қўринишлари ўзаро қориштирилган, ҳатто 6 унлили вокализм тарафдорлари қарашларида ҳам бу масалага илмий-назарий асосда эмас, интуиций сезги асосидагина ёндашилганлиги кўзга ташланади. Шунинг учун бўлса керак, уларда ўз фикрларидан чекиниш ҳолатлари тез-тез кўзга ташланади”.

Улардан фарқли ўлароқ, Иброҳим Тоҳирий товуш ва фонемани фарқлайди, ҳар қандай товуш фонема бўла олмаслигини айтиди: “Одатда бутун маданий тилларнинг ёзувида фанитика сўзини шарт билангина олиб, фанемаларгагина ҳарфлар ясалмади, чунки амалий ёзувнинг ҳеч бир ҳарфи овозни тўғри бера олмайди. Ул юқорида айтилган равишда бир-бирига яқин бир неча товушларнинг тахминий ишорасигина бўлиб қоради. Мен Элбек, Қ.Рамзона, Йўлдош, Ҳози Олим ўртокларининг сўзларига эътироз қилмайман. Чўзгилар (унлилар) балки улар деганчадир ёки кўбракдир. Мен фақат шуни айтман: русларнинг тил олимлари, тил лабураториясида узоқ йиллар ишлаш натижасида рус тилида ўн минг товуш борлигини исбот қилдилар. Бизда ҳам

керак унли ва керак унсиз товушларнинг сонлари сиз айтгандан ҳам жуда кўп маротабалар ортиқдир. Бироқ фонемалар кўб эмас”.

Сингармонизмнинг темир қонунлари

Сингармонизм бошқа туркий тиллардан фарқли равишда, муаммоли масалалардан бири саналади. Сингармонизмга муносабатда жадидлар ўрта-сида турли қарашлар мавжуд эди. Боту, Миён Бузрук каби жадид намояндалари сингармонизм тилининг ривожига тўсқинлик қилади, тил четдан сўз олиш билан ривожланиб боради, бу сўзларни сингармонизм рамкасида солиш ярамайди, деган фикрда бўлсалар, Элбек сингармонизмни “имломизнинг бутинлигин сақлаш учун елим ва тилимизнинг кўркини ошириш учун бир безак, темир қонун”, дейди.

Ашурали Зоҳирий ҳам ўзбек тилида сингармонизм ҳодисаси борлигини таъкидлайди: “Бизда сингармонизм юз фоиз бўлгусидур. Тилимизга аралашгон ажнабий сўзларни ҳам ўз қоидами (сингармонизмга) бўйин товлайдурганлари ўрнига ўз тилимиздан сўзлар топишга ҳаракат қиламиз”.

Фитрат ўзбек тилини туркий тиллар таркибидан бир тил сифатида барча туркий тилларда у ёки бу даражада мавжуд бўлган сингармонизм қонунини акс эттиришини, бу ҳолат эса шахар шеваларида форс-тожик тили таъсирида бузилганини, шунинг учун умумтуркий фонетик хусусиятини кўпроқ сақлаб қолган қишлоқ шеваларига таяниш жуда тўғри эканини таъкидлайди.

Тоҳирий ҳам сингармонизмга ўз муносабатини билдирган экан, ўзбек тилида ҳам мавжудлигини, лекин тарихан юксалишига эмас, йўқолиб боришга қараб кетаётган қонунни, деб ҳисоблайди: “Элбек ўртоқ дегандек, сингармонизмни темир қонун деб бўлмади. Шунинг билан бирга, ўртоқ Ҳози Олим каби ҳаёл деб айта олмаймиз. Балки бизнинг бу қонунимиз Элбек билан Ҳози Олим ўртоқларнинг даъволарининг ўртасида туради. Тилимизнинг тарихига кўз солсак, бу қонуннинг юксала боришини эмас, балки йўқола боришини кўрсатади. Бир нарса юксалмаса, қотиб қолса, ул ўлади. Шундай бўлса ҳам, ул Ҳози Олим ўртоқ айтгани каби ҳаёл эмас, факт. Буни инкор қилиш сўйирлик”.

Элбек, Ашурали Зоҳирий, Фитрат каби Тоҳирий ҳам четдан кириб келган сўзларни сингармонизм қонунини асосида ўз талаффузимизга мослашимиз шартлигини айтиди: “Арабдан, форсдан кириб қолган сўзларни қўрқмасдан сингармонизм қонунини бўйича йўғонликда, ингичкаликда ҳар сўзни ажратиб ёза берамиз. Сўзнинг охани бузулади, маъноси йўқолади, деган гаплар бекор. Уларнинг оханидан экан, маъносидан ҳам қўрқмаслик керак. Тил тарихи бизга халққа қандай чет сўзлар кирса ҳам, уни тамом бузуб, ўз тил қонунларига эргаштириб олганини кўрамиз. Биз Зоҳир, Тоҳир, Зокир, Обит каби сўзларнинг шакллари бундиз, уламо қанча войдод, деди, ҳозир ҳеч ким қарши чиқмайди”.

Қўриб турганимиздек, Иброҳим Тоҳирий ҳам ўзбек миллий алифбоси, имло қоидаларини шакллантиришда фаол иштирок этган жадид намояндаларидан биридир. Унинг баъзи фикрлари мунозарали бўлса ҳам етук тилшунос сифатидаги илмий қарашлари таҳсинга лойиқ. Фикрлар хилма-хиллигига қарамай, миллат тақдир учун қайғурган, керак бўлса жонини бағишлаган миллат фидойиларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида ўзбек адабий тили меъёрлари босқичма-босқич шаклланиб бори. Афсуски, қўллаб жадидларнинг илмий мероси халигача ўрганилган эмас. Уларнинг фаолиятини ўрганиш, миллий тилшунослигимизга қўшган ҳиссасини эътироф этиш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 3766

76042 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов Мусаххў: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқини — 23.15 Топширилди — 00:30

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz